

Бир юз ўн биринчи боб — Муносиб мукофотга эришиш

Айрим инсонлар бутун борлиғи билан фақат дунё ҳаётига берилиб кетгандек туюлади. Улар охират ҳақида деярли ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу дунёда арзимас ютуқларга эришиш йўлида тинимсиз меҳнат қиладилар-у, бироқ асл ҳақиқатни — бу ҳаёт охиратга тайёргарлик кўриш учун берилган бир имконият эканини унутиб қўядилар.

Ваҳоланки, биз у дунё ҳаёти ҳақида чуқур қайғуришимиз шарт, чунки бугунги ҳаётимиз бизга айнан ўша боқий дунёга ҳозирлик кўриш учун берилган. Исо Ўз таълимотларида охират ҳақида тез-тез гапириб турган. Шогирдларига берган сўнгги ўғитларидан бирида У боқий дунёда қандай қилиб кўпроқ ажр-мукофотга эришиш, яъни муносиб мукофотни қўлга киритиш сирини бир ибратли ҳикоя орқали тушунтирган. Бу воқеа Матто баён этган Хушхабарнинг 25-боб, 14–30 оятларида қуйидагича баён этилган:

Яна Осмон Шоҳлигини сафарга жўнаб кетаётган одамга ўхшатса бўлади. У кетишидан олдин хизматкорларини чақириб, ўз мол–мулкини уларга топширибди.¹⁵ У ҳар бирига қобилиятига яраша: бирига беш минг тилла, иккинчисига икки минг тилла, учинчисига эса минг тилла бериб, жўнаб кетибди.¹⁶ Беш минг тилла олган хизматкор вақтни бой бермай, пулни ишга солибди ва яна беш минг тилла даромад олибди.¹⁷ Икки минг тилла олган хизматкор ҳам худди шундай йўл тутиб, икки минг тилла орттирибди.¹⁸ Минг тилла олган хизматкор эса бориб, чуқур казибди—да, хўжайин берган пулини кўмиб қўйибди.

¹⁹ Орадан анча вақт ўтибди. Хўжайин қайтиб келиб, хизматкорларидан ҳисобот сўрабди.²⁰ Беш минг тилла олган хизматкори орттирган беш минг тиллани ҳам олиб келиб, шундай дебди:

— Хўжайин! Менга беш минг тилла берган эдингиз. Мана, қаранг, мен булардан ташқари яна беш минг тилла ишладим.

²¹ Хўжайини унга:

— Баракалла! Сен яхши ва ишончли хизматкорсан! — дебди. — Кичик ишда ишончимни оқлаганинг учун сенга катта ишларни ишониб топшираман. Кел, менинг хурсандчилигимга шерик бўл.

²² Икки минг тилла олган хизматкор ҳам келиб:

— Хўжайин! Менга икки минг тилла бергандингиз. Мана, қаранг, мен булардан ташқари яна икки минг тилла ишладим, — дебди.²³ Хўжайини унга:

— Баракалла! Сен яхши ва ишончли хизматкорсан! — дебди. — Кичик ишда ишончимни оқлаганинг учун сенга катта ишларни ишониб топшираман. Кел, менинг хурсандчилигимга шерик бўл.

²⁴ Минг тилла олган хизматкор ҳам келиб шундай дебди:

— Хўжайин! Мен сизнинг қаттиққўл одам эканингизни билардим. Сиз эмаган ердан ўрасиз, ўзингиз етиштирмаган ҳосилни йиғиб оласиз.²⁵ Шунинг учун мен қўрққанимдан бориб, берган тиллангизни ерга кўмиб қўйган эдим. Мана тиллангиз!

²⁶ Хўжайин унга шундай жавоб берибди:

— Эй ёмон, ялқов хизматкор! Мен эмаган ердан ўришимни, ўзим етиштирмаган ҳосилни йиғиб олишимни билар экансан,²⁷ пулимни муомалага киритсанг бўлмасмиди?! Мен қайтиб келиб, пулимни фойдаси билан қайтариб олган бўлар эдим.

²⁸ Сўнг хўжайин дебди:

— Қани, ундаги минг тиллани олиб, ўн минг тилласи борга беринглар!²⁹ Чунки кимда бор бўлса, унга яна берилади ва у мўл–кўлчиликда яшайди. Кимда йўқ бўлса, ҳатто бори ҳам тортиб олинади.³⁰ Энди бу ярамас хизматкорни ташқарига, қоронғиликка улоқтириб юборинглар. У ерда бу ярамас қаттиқ пушаймон бўлиб, фиғон чекади.

Раббимиз ушбу мажозий ҳикоя орқали инсон ўзида қандай фазилатни шакллантириши лозимлигини ва бу фазилатлар охиратда қандай улкан ажр келтиришини тушунтириб беради.

Қобилият фазилати бериладиган омонат турини белгилайди

Ушбу илоҳий матнда илк бор кўзга ташланадиган жиҳат — инсоннинг ички имкониятлари ва қобилиятидир. Хўжайин узоқ сафарга отланар экан, ўз тижоратини собит сақлаш мақсадида хизматкорларини чақирди ва уларга мол-мулкини ишониб топширди.

Исо бу ерда хўжайиннинг ҳар бир хизматкорга ўз қобилиятига қараб мулк берганини алоҳида таъкидлайди. Яъни, ҳаммага бир хил миқдорда пул берилмаган. Хўжайин энг иқтидорли ва ишнинг кўзини биладиган хизматчисига беш талант, ундан камроқ қобилиятга эга бўлганига икки талант, ташкилотчилик сифати энг паст бўлган учинчи хизматкорига эса бир талант омонат қолдирди. Демак, ҳар ким ўз имконияти даражасида масъулият олди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, биз ҳам ўзимиздаги иқтидорни тўғри баҳолашни ва уни тинимсиз ривожлантиришни ўрганишимиз керак. Мен сизни бугун ўз қобилиятингизни кашф этишга ва уви эзгу ишлар йўлида юксалтиришга чорлайман.

Тиришқоқлик фазилати бериладиган мукофот ҳажмини белгилайди

Исо ҳикояда хўжайиннинг сафарда жуда узоқ қолиб кетганини айтади. Аммо вақт соати келиб, у барибир ортига қайтди. Шундан сўнг у хизматкорлари қолдирилган мулкни қандай тасарруф этганини билишни истади ва уларни ҳисоб-китоб қилишга чақирди.

Энг катта ишонч билдирилган ва беш талант олган тиришқоқ хизматкор келиб: «Хўжайин, менга беш талант берган эдингиз, мана, меҳнат қилиб яна беш талант фойда кўрдим», деди. Икки талант олган шериги ҳам худди шундай йўл тутди. У ҳам хўжайинига икки талантнинг устига яна икки талант фойда кўшганини ифтихор билан баён этди.

Хўжайиннинг ушбу икки хизматкорни қандай мукофотлаганига эътибор беринг. Тўғри, уларнинг топган фойдаси миқдори турлича эди, чунки имкониятлари ҳам икки хил бўлган. Аммо хўжайин уларнинг иккаласига ҳам бирдек юксак баҳо берди: «Баракалла, содиқ ва яхши хизматкор! Сен кичик ишларда ишончни оқладинг, навбатдаги катта ишларга раҳбар қиламан. Кир, хўжайинингнинг қувончига шерик бўл!» Меҳнатсеварлик ва тиришқоқлик уларга улкан бахт келтирди. Улар берилган имкониятни бой бермай, ундан унумли фойдаланишди ва натижада хўжайин қайтганда увунг чексиз марҳаматига сазовор бўлишди.

Лоқайдлик ва дангасалик инсоннинг абадий қисматини белгилайди

Бир талант олган учинчи хизматкор эса ичида хўжайинини ёмон кўрарди. У нафақат қобилиятсиз, балки бахил ва ҳасадгўй кимса эди. Хўжайиннинг унга ишонган омонати қалбида ҳеч қандай шукроналик ёки масъулият уйғотмади. У ҳисоб-китоб пайтида бошқалардек одоб билан эмас, балки ўз раҳбарига тош отиб, қўполлик билан гапирди: «Мен сизни каттиққўл, бировнинг меҳнатидан фойдаланадиган одам деб билардим. Шунинг учун кўрққанымдан пулингизни ерга кўмиб қўйдим. Мана, борини олинг».

Шунда хўжайин ғазаб отига миниб, бу ярамас хизматкорни каттиқ изза қилди. Унинг ўз айтган сўзларини ўзига қарши ишлатди: «Агар менинг шундай одам эканлигимни билган бўлсанг, нега унда пулни кўмиб қўйдинг? Ҳеч бўлмаса саррофларга берганингда, мен ҳеч йўқ фоизи билан қайтариб олган бўлардим». Аммо бу танбал хизматкор лоқайдлиги

туфайли ҳеч нарсa қилмаган эди. Хўжайин қаттиқ ғазабланиб, ундаги бор омонатни ҳам олиб, ўн таланти бор содиқ хизматкорга беришни буюрди ва: «Кимда бор бўлса, унга яна берилади ва у тўкинликда яшайди. Кимда йўқ бўлса, бори ҳам қўлидан олинади», дея ҳукм қилди.

Масъулиятсизлик ва лоқайдлик — инсонни ҳалокатга етакловчи энг мудҳиш иллатдир. Исо хўжайиннинг амри билан бу ярамас хизматкор ташқаридаги зулматга, абадий азоб ва афсус-надомат маконига улоқтирилганини айтди. Азиз дўстим, бундай лоқайдлик ва танбаликдан бутун борлиғимиз билан қочишимиз шарт. Раббимизнинг одил ҳукмидан ва даҳшатли жазосидан омон қолишнинг ягона йўли — берилган умр ва имкониятни беҳуда совурмасликдир.

Яратган барчамизга ўзимизга хос қобилият ва иқтидорларни тухфа этган. Биз мана шу илоҳий имкониятларни эзгу ишларга сарфлаб, уларни янада юксалтиришимиз лозим. Келинг, ҳаётимизни содиқлик ва ҳалоллик билан безаб, Раббимиз қайтганда Ундан: «Баракалла, содиқ ва яхши хизматчи!» деган гўзал ва улуғвор мақтовни эшитишга лойиқ бўлайлик.